



## О'zbekiston respublikasi vazirlar mahnamasining Qarori

20 21 yil « 6 » avgust

№ 499

Toshkent sh.

### Чорвоқ сув омбори атрофидаги тоғ ва тоғ олди ҳудудларда ўсимлик қопламининг қисқаришини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида

Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини камайтириш, унинг ифлосланиш даражасининг доимий мониторингини олиб бориш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, шунингдек, ўрмонлаштириш ва дараҳтзорларни кўпайтириш бўйича республикада тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Иқлим ўзгариши оқибатида охирги ўн йилликда Чорвоқ сув омбори атрофида яйловлардан иборат ландшафтларда, ўсимлик қоплами кескин камайиб бормоқда. Бу жараён тупроқ қатлами мустаҳкамлигига таъсир этмоқда ва чанг миқдорининг ҳавога тез кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Глобал иқлим ўзгариши шароитида баҳор-ёз мавсумларида кучли шамол таъсирида чанг ва кум зарраларининг ердан юқорига кўтарилиши ва унинг атмосфера қатламларида горизонтал ва вертикал ҳаракатланиб, кўриниш масофасининг 500 метргача қисқариши ва ҳавонинг ифлосланиши билан тавсифланувчи хавфли метеорологик жараёнларнинг такрорланишлар сони ортиб бормоқда.

Чорвоқ сув омбори атрофидаги тоғ ва тоғ олди ҳудудларини ўрмонлаштириш, ўсимлик қопламининг қисқаришига таъсир этувчи антропоген омилларни чеклаш, табиий муҳитни тиклашга қаратилган илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш асосида табиий омиллар ва иқлим ўзгаришларининг аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолининг сифатли ҳордик чиқариши учун зарур муҳит яратиш ҳамда тоғли ҳудудларнинг туристик жозибадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги, Фанлар академияси ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг қуидаги таклифларига розилик берилсин:

Чорвоқ сув омбори атрофи ва унга туташ ҳудудлардаги барча тоифадаги ерларда ўрмон билан қопланган ва ўрмон барпо қилиш мумкин бўлган майдонларни хатловдан ўтказиш, хатлов натижаси асосида белгиланган тартибда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ўрмон фонди ерлари тоифасига ўтказиш ҳамда чорва молларининг боқилишини тақиқлаш;

Чорвоқ сув омбори атрофи ва унга туташ ҳудудларда ерлар деградациясининг олдини олиш, кучли шамол ва чангли бўронлар таъсирини юмшатувчи иҳота дараҳтзорларини барпо этиш;

геоахборот технологиялари, шу жумладан, ерни масофадан зондлаш ва космик мониторинг технологиясини кенг жорий этган ҳолда, ўрмон фондининг ҳаётий даври ҳақидаги аниқ ва доимий маълумотларни таҳлил қилиш, ўрмон фонди деградацияси ва ўрмонларнинг ноқонуний кесилишини аниқлаш ва назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш;

аҳоли яшайдиган ва маҳсус туристик зона ҳисобланган тоғ ва тоғ олди ҳудудларида табиий омиллар таъсирини юмшатиш, ерлар деградациясининг олдини олиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси ва уларни қайта тиклаш бўйича илмий ечимларни аниқлаш ҳамда янги технологияларни жорий қилишга қаратилган фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни танлов асосида ташкил этиш.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Чорвоқ сув омбори ҳамда унинг атрофидаги тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ўсимлик қоплами қисқаришининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

тоғ ва тоғ олди ҳудудларини ўрмонлаштириш ҳамда ер эрозиясининг олдини олиш бўйича маҳаллий флора таркибида учрайдиган дараҳт ва буталар сонини кўпайтириш;

кучли шамол ва чангли бўронлар таъсирини юмшатувчи иҳота дараҳтзорларини барпо этиш;

чорва молларининг боқилиш ҳудудлари ва чиқинди зоналарини тартибга солиш;

ўсимлик қопламишининг қисқаришига таъсир этувчи тизимли омилларни ўрганишга қаратилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини асраш;

кўкаламзорлаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Дастурни амалга оширишга масъул этиб белгиланган ижрочилар – вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари:

Дастурга кириллган барча тадбирларнинг сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминласин;

Дастурда назарда тутилган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида тегишли вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларда аниқ масъулларни белгилаган ҳолда, Дастурни амалга ошириш **режа-графигини тасдиқласин**, ҳар бир банднинг тўлиқ бажарилиши бўйича уларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтирасин;

Дастур ижроси бўйича тўлиқ маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига ҳар ойнинг 1-санасига қадар тақдим этиб борилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси 2021 йил 1 октябрга қадар:

Чорвоқ сув омбори атрофи ва унга туташ ҳудудлардаги барча тоифадаги ерларда ўрмон билан қопланган ва ўрмон барпо қилиш мумкин бўлган майдонларни хатловдан (кейинги ўринларда – хатлов) ўтказсин;

хатлов натижасида “Чорвоқ” эркин туристик зонаси бош режасига мувофиқ туристик инфраструктура барпо этилиши белгиланмаган, ўрмон билан қопланган ва ўрмон барпо қилиш мумкин бўлган майдонларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ўрмон фонди ерлари тоифасига ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Чорвоқ сув омбори атрофидаги ҳудудларда:

хатловдан сўнг бир ой муддатда ўрмон барпо этиладиган ер майдонларини аниқласин ҳамда ушбу майдонларга талаб этиладиган дараҳт ва буталарнинг уруғлик захирасини яратсин;

Фанлар академияси билан биргаликда тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқкан ҳолда экиладиган дараҳт ҳамда буталар турлари рўйхатини шакллантирасин;

2021-2023 йилларда ўрмон барпо қилиш тадбирларининг босқичмабосқич амалга оширилишини ташкил этсин;

ўрмон фонди ерларида инновацион ресурс тежайдиган технологияларни қўллаш орқали “Ақлли ўрмон хўжалиги” (Smart forestry) ва рақамли технологияларни жорий қилсин.

## 6. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Чорвоқ сув омбори атрофи ва унга туташ ҳудудлардаги барча тоифадаги ерларда ўрмон барпо этиш ишларининг буюртмачиси ҳисобланади;

лойиҳа ва пудрат ишлари қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади;

ўрмон барпо қилиш тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига ажратилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан суғориладиган ерларни шамол эрозияси ва сув хўжалиги объектларини кум босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар хисобидан амалга оширилади;

Дастурда илғор космик технологиялардан фойдаланиш (сунъий йўлдош аппаратлари ва учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда ерни масофадан зондлаш, космик суратларни қабул қилиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва уларга ишлов бериш) билан боғлиқ харажатлар 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигига ажратиладиган маблағлар хисобидан амалга оширилади;

ўрмон билан қопланган ҳамда ўрмон барпо қилиш мумкин бўлган майдонларда барча турдаги қурилиш материалларидан бино ва иншоотлар қуриш тақиқланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Чорвоқ сув омбори атрофидаги худудларда тартибсиз ва ортиқча чорва молларининг боқилиши оқибатида тупроқнинг деградацияга учрашининг олдини олиш мақсадида, яйловнинг муайян участкасида ўтлатиладиган чорва молларининг тури ва сонига боғлиқ ҳолда тасдиқланадиган яйловлардан фойдаланиш нормалари ҳамда муддатларига қатъий риоя этсин.

Белгилаб қўйилсинки, Чорвоқ сув омбори атрофидаги худудларда барпо қилинган ўрмонларда чорва молларини ўтлатишга йўл қўйилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда Угом-Чотқол Миллий табиат бори Бурчмулла давлат ўрмон хўжалигининг Пском ва Угом дарёлари юқори қисмлари акваториясини Миллий боргнинг қўриқланма зонаси этиб белгилаш чораларини кўрсинг.

9. 2021-2025 йилларда Чорвоқ сув омбори ҳамда унинг атрофидаги экотизимни ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш, ерлар деградациясининг олдини олиш ҳамда чўлланишга қарши курашишга қаратилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш дастури (кейинги ўринларда – Илмий дастур) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, Илмий дастур доирасида:

фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион лойиҳаларни (кейинги ўринларда – лойиҳалар) амалга оширувчи илмий ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар асосида аниқланади;

бажариладиган лойиҳаларнинг оралиқ ва якуний ҳисботи тегишли илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг истеъмолчиси бўлган вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида белгиланган тартибда ўтказиладиган мониторинг доирасида ҳимоя қилинади.

11. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги:

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Чорвоқ” эркин туристик зонаси ҳудудида дараҳтлар, ноёб ўсимликлар экилишини ва парвариш қилинишини ўз ичига олган экологик тадбирларни ташкил этиш чораларини кўрсинг;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси “Чорвоқ” эркин туристик зонаси ҳудудида инвестиция лойиҳалари амалга оширилишида коттежлар қуриш амалиётини чеклаб, ҳудуднинг туристик салоҳиятини инобатга олган ҳолда, жаҳон стандартларига мос, замонавий ва кўп қаватли меҳмонхоналар қуриш амалиётини йўлга қўйсин, бунда ҳудудни кўкаламзорлаштириш бўйича инвестиция мажбуриятлари белгилансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги билан биргаликда ҳудудларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда санитария нормалари, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузиш ҳолатлари устидан қатъий назоратни амалга оширсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Чорвоқ сув омбори акваториясидаги автоматик ўлчов-кузатув постларининг 2022 йил 1 январга қадар Ягона метеорологик кузатувлар маълумотлар базасига интеграция қилинишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси давлат ўрмон фонди ерларида биохилмакиликни сақлаш, уларнинг қайта тикланишини таъминлаш, ноқонуний дараҳт кесиш, мол боқиши, ёввойи ҳайвонларни овлаш каби хуқуқбузарликларига карши курашишни кучайтириш, давлат ўрмон фонди ҳудудидаги ўрмон хўжаликлари, ўрмон-ов хўжаликлари ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий

худудларда ўрмон тузиш лойиҳалари талабларига амал қилиниши устидан давлат назоратини кучайтиурсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ганиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

**Чорвоқ сув омбори ҳамда унинг атрофидаги тоғ ва тоғ олди худудларида  
ўсимлик қоплами қисқаришининг олдини олишга қаратилган  
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Тоғ ва тоғ олди худудларни ўрмонлаштириш ҳамда ер эрозиясини олдини олиш бўйича маҳаллий флора таркибида учрайдиган дараҳт ва буталар сонини кўпайтириш</b>				
1.	Чорвоқ сув омбори ва унинг атрофидаги ўрмон билан қопланган худудларни тўлиқ хатловдан ўтказиш.	<ol style="list-style-type: none"><li>Республика миқёсида мутахассислар иштирокида ишчи гурухни шакллантириш.</li><li>Ишчи гурух билан Чорвоқ сув омбори ва унинг атрофидаги ўрмон билан қопланган худудларни тўлиқ хатловдан ўтказиш.</li><li>Хатлов натижасида ўрмон барпо этиладиган ер майдонларини аниқлаш, тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқсан ҳолда экиладиган дараҳт ва буталар турлари рўйхатини шакллантириш.</li><li>Талаб этиладиган дараҳт ва буталар уруғлари ва кўчатларни тайёрлаш, ўрмон барпо қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишларини ўтказиш, лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, ер тайёрлаш усули, технологияси ва кўчат экиш схемасини аниқлаш.</li></ol>	<p>2021 йил июль</p> <p>2021 йил октябрь</p> <p>2021 йил ноябрь</p> <p>доимий</p>	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
2.	Чорвоқ сув омбори худудини тўлиқ ўрмонзорлаштириш ҳамда экологик мувозанатни сақлаш учун доимий муҳофаза қилиш чораларини кўриш.	<p>1. Чорвоқ сув омбори худудини тўлиқ ўрмонзорлаштириш учун ишчи гурухни шакллантириш.</p> <p>2. Чорвоқ сув омбори худудини тўлиқ ўрмонзорлаштириш.</p>	<p>2021 йил август</p> <p>2021-2023 йй.</p>	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Тошкент вилоятидаги ўрмонзорлардаги касаллик турини аниқлаш ва уларга қарши кураш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.	<p>1. Мавжуд ўрмонзорлардаги касаллик турини аниқлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Мавжуд ўрмонзорлардаги касаллик турини аниқлашга қаратилган ишларни олиб бориш.</p>	<p>2021 йил август</p> <p>доимий</p>	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
4.	Ўрмонларнинг тур таркибини аниқлаш, назорат қилиш мақсадида космик мониторинг тизими ва геоахборот технологиялари (ГАТ) мониторинг платформасини жорий этиш.	<p>1. Ўрмонларни тиклаш бўйича ишларни назорат қилиш, ўрмонларни тиклаш жараёнларини кузатиш, ўсимликларни аниқлаш ҳамда назорат қилиш.</p> <p>2. Ўрмонларни ёши, захираси, баландлиги, биологик маҳсулдорлиги бўйича тоифаларга ажратиш.</p>	<p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021-2023 йй.</p>	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

T/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
5.	Масофадан зондлаш орқали ўрмонларнинг ноқонуний кесилишини аниқлаш устидан назорат ва мониторинг тизимини йўлга қўйиш.	<p>1. Ерни масофадан зондлаш ва космик мониторинг технологияларини жорий этган ҳолда ўрмонларнинг ноқонуний кесилишини аниқлаш ҳамда улар устидан назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш.</p> <p>2. Ўрмонларга таъсир қилувчи салбий жараёнларни ўрганиш.</p> <p>3. Ўрмонларга таъсир қилувчи салбий жараёнларни ўрганиш ва хариталарини тузишни (дарахтларга зааркунандалар ва касалликларнинг таъсири, ўрмонларнинг қуриши ёки ботқоқланиши, уларнинг таназзулга учраши ва нобуд бўлишига олиб келиш омилларини аниқлашни) йўлга қўйиш.</p>	<p>2021 йил октябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2021-2023 йй.</p>	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чораларини кучайтириш.	<p>1. Давлат ўрмон фонди ерларида ҳимоя ўрмон плантацияларини, шу жумладан Тошкент вилоятида кенгайтириш.</p> <p>2. Қишлоқ хўжалиги ерларида шамол ва сув эрозиясидан ҳимоя қилиш учун уларни ҳимоя қилувчи ўрмон плантацияларини яратиш.</p> <p>3. Нукус, Урганч, Хива ва Бухоро шаҳарлари атрофида “яшил камарлар” яратиш.</p>	<p>2021-2025 йй.</p> <p>2021-2025 йй.</p> <p>2021-2025 йй.</p>	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Космик тадқиқотлар ва технологиялар

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
7.	Мавжуд ўрмон дараҳт ва буталарининг касаллик ва зааркунандалар билан заарланган майдонларни аниқлаш мақсадида ўрмон-патологик кузатув олиб бориш.	<p>1. Ҳар йили май-июль ойларида дараҳтларни <b>30 кунлик оралиқ</b> билан икки марта уйғунлашган (<b>биологик, кимёвий ва механик</b>) ишловларни амалга ошириш ҳамда фойдали энтомофаглар (<b>трихограмма, олтинкүз ва бошқалар</b>) етиштириб, табиатга кўйиб юбориш (тарқатиш).</p> <p>2. Ўсимликлар заарланишининг олдини олиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш ҳамда илмий тавсиялар ва <b>амалий қўлланмалар ишлаб чиқилишини</b> ташкил этиш.</p>	<p>доимий</p> <p>2022 йил январь</p>	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги

## II. Кучли шамол ва чангли бўронлар таъсирини юмшатувчи иҳота дараҳтзорларини барпо этиш

8.	Ўзбекистонда қум ва чанг бўронларининг салбий таъсирини камайтириш бўйича салоҳиятни ошириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиши.	<p>1. Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>2. Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳасини жалб қилинган вазирлик ва идоралар билан мувофиқлаштириш.</p> <p>3. Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиши.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил февраль</p>	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Космик
----	---	---	--	--

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги, манбаатдор вазирлик ва идоралар
9.	<b>2023 республиканинг худудларида Кўкаlamзорлаштириш тизимини ривожлантириш дастурини қабул қилиш.</b> <b>йилгача барча</b>	<p>1. Кўкаlamзорлаштириш тизимини ривожлантириш дастури лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>2. Ҳар бир минтақа учун Кўкаlamзорлаштириш тизимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан минтақада Кўкаlamзорлаштириш тизимини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил февраль</p>	<b>Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари</b>
10.	<b>Чангли бўронлар кузатиладиган мавсумларда Чорвоқ сув омбори жойлашган ҳудуд учун хавфли метеорологик ҳодисалар тўғрисида олдиндан огоҳлантириш тизимини ишлаб чиқиш.</b> <b>ходисалар олоҳидаги мавсумларда</b> <b>ходисалар тўғрисида олдиндан огоҳлантирувчи қисқа муддатли прогнозлаш амалиётини жорий этиш.</b>	<p>1. Чорвоқ сув омбори жойлашган ҳудуд учун хавфли метеорологик ҳодисалар тўғрисида олдиндан огоҳлантириш тизимини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Чорвоқ сув омбори жойлашган ҳудуд учун хавфли метеорологик ҳодисалар тўғрисида олдиндан огоҳлантирувчи қисқа муддатли прогнозлаш амалиётини жорий этиш.</p>	<p>2021 йил ноябрь</p> <p>2022 йил январь</p>	<b>Гидрометеорология хизмати маркази, Тошкент вилояти ҳокимлиги, манбаатдор вазирлик ва идоралар</b>

T/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>III. Чорва молларининг боқилиш ҳудудлари ва чиқинди зоналарини тартибга солиш</b>				
11.	Чорвоқ сув омбори ва унга туташ ҳудуддаги ер майдонларининг маҳсулдорлигидан келиб чиқиб, белгиланган меъёрда чорва моллари боқилишини тартибга солиш.	Чорвоқ сув омбори ва унга туташ ҳудуддаги ер майдонларининг маҳсулдорлигидан келиб чиқиб, чорва молларини яйловлардан фойдаланиш нормалари ҳамда муддатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳамда белгиланган ҳудудларда чорва молларининг боқилишини чеклаш.	2021 йил июль	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги
12.	Ноқонуний қурилиш объектларини аниқлашда ерни масофадан зондлаш ҳамда космик мониторинг технологиясини жорий этиш.	1. Ноқонуний қурилиш объектларини (бино ва иншоотларни) аниқлаш.  2. Ерни масофадан зондлаш ҳамда космик мониторинг технологияларини жорий этган ҳолда аниқланган ноқонуний қурилиш объектлари устидан назоратни йўлга қўйиш.	2021 йил октябрь  доимий	Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Кадастр агентлиги, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги
13.	“Чорвоқ” эркин туристик зонаси ҳудудида туристлар гавжум бўлган жойларда майший чиқиндиларни ташлаш ва йиғиш пунктларини кўпайтириш жавобгарлик ҳамда чораларини кучайтириш.	1. Туристлар гавжум бўлган жойларда майший чиқиндиларни ташлаш ва йиғиш пунктларини кўпайтириш.  2. Майший чиқиндиларни ташлаш ва йиғиш пунктларини кўпайтириш ҳамда жавобгарлик чораларини кучайтириш.	2021 йил сентябрь  2022 йил август	Туризм ва спорт вазирлиги, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
14.	“Чорвок” эркин туристик зонаси худудларининг туристик жозибадорлигини ошириш мақсадида кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда эколагерлар ташкил этиш.	<p>1. Эколагерлар ташкил этиш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Эколагерлар ташкил этиш бўйича тадбирлар (акциялар) ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	Туризм ва спорт вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, “Чорвок” эркин туристик зонаси дирекцияси

**IV. Ўсимлик қопламиининг қисқаришига таъсир этувчи тизимли омилларни ўрганишга қаратилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотларни ташкил этиш**

15.	Чорвок сув омбори худудининг экотизимини ҳимоя қилиши мақсадида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ илмий лойихалар танловини ўтказиш.	<p>1. Мавзу доирасида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини шакллантириш.</p> <p>2. Лойихалар танловини эълон қилиш.</p>	<p>2021 йил август</p> <p>2021 йил сентябрь</p>	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази, манфаатдор вазирлик ва идоралар
16.	Иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилиш учун Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инновациялар, тадқиқотлар ва ишланмаларни ривожлантириш бўйича минтақавий дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.	<p>1. Худудий дастур лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>2. Ҳужжат лойиҳасини Марказий Осиё мамлакатлари билан келишиш.</p> <p>3. Минтақавий дастурни амалга ошириш.</p>	2021-2025 йй.	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
17.	“Марказий Осиёда иқлим ўзгариши билан боғлик муаммолар ва уларнинг ечими” мавзусида халқаро конференция ўтказиш.	1. Тадбир дастури ва концепциясини ишлаб чиқиши.  2. Хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш.  3. МДҲ, Европа, Осиё ва бошқа мамлакатлар олимлари ва мутахассисларининг таклифи билан халқаро конференция ташкил этиши.	2022 йил сентябрь  2023 йил II чорак  2024 йил II чорак	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Гидрометеорология хизмати маркази, манбаатдор вазирлик ва идоралар

**V. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини асрар**

18.	Иқлим ва худуд инфратузилмасининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, Чорвоқ сув омбори жойлашган худудда <b>атмосфера ҳавоси сифати мониторинг тизими</b> учун дастурий таъминот ишлаб чиқиши.	1. Дастурий таъминот лойиҳасини ишлаб чиқиши.  2. Чорвоқ сув омбори жойлашган худудда <b>атмосфера ҳавоси сифати мониторинг дастурний таъминотни</b> тегишли манбаатдор вазирлик ва идораларга етказиш.	2021 йил август  2021 йил ноябрь	Гидрометеорология хизмати маркази, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
19.	“Чорвоқ” эркин туристик зонаси худудида коттеджлар қурилиши амалиётини қисқартириб, кўп қаватли, жаҳон стандартларига мос меҳмонхоналар қуриш амалиётини йўлга кўйиши.	Курилиш ишлари, қурилиш майдони умумий ер қисмининг 40% дан кўп бўлмаган қисмида амалга оширилишини ҳамда лойиҳа майдонига қараб ҳар 50 сотих учун 60 туп дараҳт экиш ва парвариш қилиш мажбуриятини юклаш амалиётини татбиқ қилиш.	доимий	Туризм ва спорт вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Бўстонлиқ туман ҳокимлиги, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси
20.	Чорвоқ сув омбори худудида <b>Гидрометеорология</b>	Чорвоқ сув омбори худудида автоматик ўлчов постини Ягона геоахборот	2021 йил ноябрь	Гидрометеорология хизмати маркази,

T/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	<b>Хизматининг автоматик ўлчов постини Ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилиш.</b>	<b>маълумотлар базасига интеграция қилиш бўйича чора тадбирларни амалга ошириш.</b>		Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси
21.	Чорвоқ сув омборининг сувни муҳофаза қилиш зонаси ва қирғоқ бўйи минтақасини белгилаш.	Чорвоқ сув омбори сувни муҳофаза қилиш зонасининг қирғоқ бўйи минтақасини белгилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш.	2022 йил январь	Ўзбекгидроэнерго акциядорлик жамияти, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги
22.	Чорвоқ сув омбори сув сатхининг вақт давомида ўзгариши динамикасини кузатишида ерни масофадан зондлаш ва космик мониторинг технологияларини жорий этиш.	1. Чорвоқ сув омборининг сув сатхини ерни масофадан зондлаш ҳамда космик мониторинг технологияларини қўллаган ҳолда таҳлил қилиш ва кузатув ишларини йўлга қўйиш.  2. Чорвоқ сув омборининг сув сатхининг вақт давомида ўзгариши динамикасини, муҳофаза зоналарини мониторинг қилиш мақсадида ерни масофадан зондлаш ва космик мониторинг технологияларини жорий этиш.	ҳар йили  2021-2022 йй.	Ўзбекгидроэнерго акциядорлик жамияти, Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
<b>VI. Кўкаламзорлаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш</b>				
23.	Республиканинг барча ҳудудларида кўчат материаллари (кўчатлар ва уруғдан кўкартирилган кўчатлар) етиштириш учун кўчатхоналар яратиш.	1. Кўчатзорни яратиш учун ҳудудни танлаш.  2. Тупроқ-икклим шароитига қараб дарахтлар ва буталарнинг навларини аниқлаш.	2021 йил декабрь  2021 йил декабрь	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон

T/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Экиш материалларини етиштиришни ташкил этиш.	ҳар йили	Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
24.	Давлат ўрмон фондига киритилмаган ерларга дараҳтлар ва буталарни экиш бўйича комплекс чоратадбирлар дастурини амалга ошириш.	<p>1. Архитектура ва ландшафт дизайни талабларини инобатга олган ҳолда, 377,4 миллион дараҳт ва буталарни экиш учун шаҳар ва аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш учун ҳудудларни аниқлаш.</p> <p>2. Суғориш тармоқларини тайёрлаш ва суғоришнинг замонавий усуллари орқали экишни ташкил этиш.</p> <p>3. Масъул шахсларни аниқлаш ва уларга экилган дараҳтларни биректириш.</p> <p>4. Кўкаламзорлаштириш ва дараҳтларни парвариш қилиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш.</p>	<p>2021-2023 ҳар йили экишдан олдин</p> <p>ҳар йили баҳорда</p> <p>ҳар йили 1 майгача</p> <p>ҳар йили</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, манбаатдор вазирлик ва идоралар</p>
25.	Тошкент шаҳри ва вилоятидаги пилот майдонларида давлат ўрмон фондига киритилмаган дараҳтлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган мобил илова яратиш.	<p>1. Пилот майдонлардаги дараҳтларни инвентаризация қилиш.</p> <p>2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ягона ахборот базасини яратиш ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p> <p>2023 йил январь</p>	<p>Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни</p>

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
26.	Ўрмон фондидан инновацион ресурс тежайдиган технологияларни қўллаш орқали “Ақлли ўрмон хўжалиги” (Smart forestry) ва рақамли технологияларни жорий қилиш.	1. Лойиха олди ўрганишни ва маълумотлар таҳлилини амалга ошириш.  2. Лойиха-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда ваколатли органларда экспертизадан ўтказган ҳолда тасдиқлаш.  3. Лойихани амалга ошириш бўйича ижрои ташкилотни аниқлаш ва шартномани имзолаш.  4. Дастурда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда доимий техник қўллаб-куватлаш ишларини таъминлаб бориш.	2021 йил декабрь  2022 йил февраль  2022 йил май  2022 йил сентябрь	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

**2021-2025 йилларда Чорвоқ сув омбори ҳамда унинг атрофидаги экотизимни ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш, ерлар деградациясининг олдини олиш ҳамда чўлланишга қарши курашишга қаратилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш**  
**ДАСТУРИ**

Т/р	Илмий тадқиқот мавзуси	Илмий тадқиқот шакли	Кутилаётган асосий натижалар	Илмий тадқиқот натижаларининг истеъмолчиси
1.	Масофавий зондлаш маълумотларидан фойдаланган ҳолда ўсимлик қоплами ўзгаришини мониторинг қилиш бўйича автоматлаштирилган Миллий дастурий маҳсулот яратиш.	амалий	<ol style="list-style-type: none"><li>Масофавий зондлаш маълумотлари асосида ўсимлик қоплами диагнозининг синтезли усули ишлаб чиқилади.</li><li>Ўсимлик қоплами мониторингини бажаришда белгиланган вақт оралиқлари учун ўсимлик қоплами динамикасини кузатиш имконияти яратилади.</li><li>Ўзбекистоннинг чўл ва чалачўл вилоятларидағи яйлов ўсимликлари қоплами агрометеорологик прогнозлаштирилади.</li><li>Ер ресурслари деградациясини таҳлил қилишга имкон берувчи автоматлаштирилган технология яратилади.</li></ol>	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази
2.	Турли экотизимлар кесимида сув ва шамол эрозиясининг олдини олишга қаратилган ва интенсив ўсиш хусусиятига эга дараҳт-буталар ёрдамида шамол	амалий	<ol style="list-style-type: none"><li>Сув ва шамол эрозиясининг олдини олиш чоралари кўрилади.</li><li>Интенсив ўсиш хусусиятига эга дараҳт-буталар танланади ва экилади.</li><li>Шамол оқимини сусайтирувчи ихота</li></ol>	Тошкент вилояти Ўрмон хўжалиги бошқармаси

<b>T/p</b>	<b>Илмий тадқиқот мавзуси</b>	<b>Илмий тадқиқот шакли</b>	<b>Кутилаётган асосий натижалар</b>	<b>Илмий тадқиқот натижаларининг истеъмолчиси</b>
	оқимини сусайтирувчи ихота ўрмонзорини ташкил этиш.		ўрмонзори ташкил этилади.	
3.	“Тупроқ клиникаси” мобил инновацион лабораториясидан фойдаланиб, Чорвоқ сув омбори ҳудудида тупроқ қатламларининг таркибини таҳлил қилиш орқали ҳавога чанг кўтарилишини ўрганиш.	амалий	<p>1. “Тупроқ клиникаси” мобил инновацион лабораториясидан фойдаланиб, Чорвоқ сув омбори ҳудудида тупроқ қатламларининг таркиби таҳлил қилинади.</p> <p>2. Чорвоқ сув омбори ҳудудида ҳавога чанг кўтарилиши ўрганилади.</p> <p>3. Тегишли тавсиялар тайёрланади.</p>	Тошкент вилояти Ўрмон хўжалиги бошқармаси
4.	Масофавий зондлаш, космик суратлар ва космик мониторинг технологияларини жорий этган ҳолда, давлат ўрмон кадастри ва ўрмон хўжалиги мониторингини юритишнинг янги услубиятини тизимли равишда йўлга қўйиш, шунингдек, ўрмон хўжалиги ҳудудларининг чегараларини аниқлаш, ўрмон ер фондини гурухларга ажратиш, ўрмонларга салбий таъсир қилувчи жараёнларни ўрганиш ва хариталарини тузиш ҳамда олинган маълумотларнинг автоматлаштирилган Миллий дастурий таъминотини яратиш ва унга интеграция қилиш.	амалий	<p>1. Ўрмон фондининг ҳаётий даврини, шу жумладан ўрмонларнинг турлари ва таркибини аниқлаш, ўрмонларнинг ёши, захираси, баландлиги, биологик маҳсулдорлиги, дарахтларга зараркунандалар ва касалликларнинг таъсири, ўрмонларнинг қуриши ёки ботқоқланиши, уларнинг таназзулга учраши ҳамда нобуд бўлишига олиб келиши омилларини аниқлаш, кузатиш ва таҳлил қилиш имконияти яратилади.</p> <p>2. Ўрмонларнинг ноқонуний кесилишини аниқлаш ва шу каби ҳолатлар устидан назорат қилиш имконини берувчи рақамли синов платформалари яратилади.</p>	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги

<b>T/p</b>	<b>Илмий тадқиқот мавзуси</b>	<b>Илмий тадқиқот шакли</b>	<b>Кутилаётган асосий натижалар</b>	<b>Илмий тадқиқот натижаларининг иsteъмолчиси</b>
5.	Маданий ҳолда барпо этилган ёнгоқмевали ва бошқа турдаги ўрмонларнинг турли касаллик ва зааркунандаларига қарши курашиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш.	амалий	Маданий ҳолда барпо этилган ёнгоқмевали ва бошқа турдаги ўрмонларда учрайдиган ҳар хил турдаги касаллик ва зааркунандалар тарқалишининг олди олиниб, бартараф этилади.	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси
6.	Ўрмон билан қопланмаган сувсиз ерларда маданий ўрмонзорлар барпо этишда тупроқ намлигини оширувчи наноелимлар ҳамда контейнерли блокларни қўллаган ҳолда кўчатлар кўкарувчанлигини 70-80 фоизгача оширишга имкон яратувчи кўчат экишнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиши.	инновацион	Маданий ўрмонларнинг илмий асосланган ҳолда юқори кўкарувчанликка эга бўлган тизими яратилади.	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимияти
7.	Тоғ ва тоғ олди майдонларида тупроқ деградацияси ҳамда чўлланиш жараёнларига қарши ўрмонмелиоратив, шу жумладан фитомелиотив ўсимликларни кўпайтириш, тупроқларнинг физик ва механик хоссалари яхшиланади ҳамда шу орқали кўчат экиладиган худудлар ареали кенгаяди.	амалий	Тоғ ва тоғолди майдонларида илмий асосланган ҳолда юқори кўкарувчанликка эга бўлган маданий ўрмонзорлар барпо этиш орқали, тупроқларнинг физик ва механик хоссалари яхшиланади ҳамда шу орқали кўчат экиладиган худудлар ареали кенгаяди.	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимияти, Фанлар академияси

Т/р	Илмий тадқиқот мавзуси	Илмий тадқиқот шакли	Кутилаётган асосий натижалар	Илмий тадқиқот натижаларининг истеъмолчиси
8.	Чорвоқ сув омбори ўсимликлар қопламининг ҳолатини баҳолаш ва уларнинг мониторингини юритишда, информацион-ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали, ўсимликлар қопламининг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатини моделлаштириш.	фундаментал, амалий	<p>1. Тадқиқот худуди ўсимликлар турлари ва таркиби шакллантирилади.</p> <p>2. Ўсимликлар тарқалган фитоценозлар аниқланади, уларнинг ботаник таркиби тавсифланади ҳамда ГАТ хариталари яратилади.</p> <p>3. Камёб ўсимлик ценопопуляцияларининг структуралари ва типлари ҳар бир тадқиқот объекти популяцияларининг замонавий ҳолатига баҳо берилади.</p> <p>4. Турларнинг оптимал ва критик ҳолатдаги популяциялари аниқланади ҳамда унинг сабаблари очиб берилади. MaxEnt дастурида климатик сценарийлар ёрдамида турларнинг тарихий ва замонавий ареалларининг шаклланиши модели яратилади ҳамда бу ўз навбатида келажакда иқлим ўзгариши натижасида ареали қисқариб кетадиган турларнинг муҳофазасини ишлаб чиқиш учун хизмат қиласи.</p>	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси
9.	Чорвоқ сув омбори ҳудудида ихота ўрмонзорларини барпо этиш, тупроқ таркибидаги чанглардан самарали химояланиш ҳамда тупроқ эрозиясидан сақланиш мақсадида, маҳаллий флора	амалий	<p>1. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Чорвоқ сув омбори атрофини ободонлаштириш дирекцияси, Бурчмулла ўрмон хўжалиги бўлими ва Фанлар академияси билан ҳамкорликда Чорвоқ сув омбори ҳудудида ихота ўрмонзорларини барпо этиш мумкин</p>	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Чорвоқ сув омбори атрофини

T/р	Илмий тадқиқот мавзуси	Илмий тадқиқот шакли	Кутилаётган асосий натижалар	Илмий тадқиқот натижаларининг иштимолчиси
	таркибида учрайдиган дўлана, бодом, заранг, шумтол, қатранғи ва олма каби дараҳт ҳамда бута турларини кўпайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши.		<p>бўлган турлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.</p> <p>2. Худудда тупроқ эрозиясидан сакланиш мақсадида, фойдаланиш мумкин бўлган ўсимликларниң турларини экиш бўйича технологик хариталар яратилади.</p> <p>3. Худудда тупроқ таркибидаги чанглардан самарали ҳимояланишда фойдаланиш мумкин бўлган ўсимлик турларини кўпайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.</p> <p>4. Маҳаллий флора таркибида учрайдиган дўлана, бодом, заранг, шумтол, қатранғи ва олма каби дараҳт ҳамда бута турларини кўпайтириш технологик хариталар ишлаб чиқилади.</p>	ободонлаштириш дирекцияси
10.	Чорвоқ сув омбори ва унга ёндош ҳудудларда мавжуд ихота ўрмонзорларидағи умуртқасиз ҳайвонот дунёси объектларининг ҳолатини баҳолаш, турлар таркибини аниқлаш, ўсимлик зараркунандаларини ўрганиш ва уларга қарши курашиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши.	амалий	<p>1. Чорвоқ сув омбори ҳудудида мавжуд ва барпо этилиши мўлжалланган ихота ўрмонзорларидағи умуртқасиз ҳайвонот дунёсининг турлари таркиби аниқланади.</p> <p>2. Ихота ўрмонзорларидағи умуртқасиз ҳайвонларининг замонавий ҳолати баҳоланади.</p> <p>3. Ўсимлик зараркунандаларидан ҳимоя қилишда биологик усуслар ёрдамида қарши курашишга асосланган тавсиялар ишлаб чиқилади.</p>	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Чорвоқ сув омбори атрофини ободонлаштириш дирекцияси

T/p	Илмий тадқиқот мавзуси	Илмий тадқиқот шакли	Кутилаётган асосий натижалар	Илмий тадқиқот натижаларининг истеъмолчиси
11.	Яшил иқлим фонди (ЯИФ), Мослашиб фонди (МФ), Глобал экологик фонд (ГЭФ) ва бошқа халқаро ташкилотларнинг иқлим ўзгаришига мослашиб бўйича лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш.	инновацион	Чорвоқ сув омбори ҳамда унинг атрофидаги худудларда иқлим ўзгаришига мослашиб бўйича олинган натижалар ушбу худудга жорий этилади.	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги

